
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ОЗАРБАЙЖОН СОБИҚ МАДАНИЯТ ВА ТУРИЗМ ВАЗИРИ АБУЛЬФАС ГАРАЕВ БИЛАН МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

26 йил давомида Спорт, Маданият ва Туризм вазири лавозимларида ишлаганлигини қайд этган Абульфас Гараев, Қўқон шаҳрида ўтказилаётган форумлар доирасида ташриф буюргани ва Фарғона вилояти туризм салоҳиятини юқори баҳолаб, ушбу йўналишда ҳамкорлик қилиш таклифини билдирди.

Фарғонада туризм соҳасида катта потенциал борлиги, туристларни жалб қиладиган кўплаб масканлар мажудлиги ҳақида тўхталди. Фаолияти давомида орттирган тажрибалари ҳақида гапириб берди.

Учрашувда халқаро туризм бўйича ўтказилаётган форумларда иштирок этиш масалалари бўйича ҳам фикр алмашилди.

Ҳамкорликда туризмни ривожлантириш бўйича янги таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилиб, биргаликда ишлаш юзасидан музокараларни давом эттиришга келишилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-18 23:06:19